O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
№ №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 7 апрель, № 68 (4221) Шанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сонга илова; 2003 йил, №1, 8-модда; 2004 йил, №1—2, 18-модда) **49-моддаси матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Никоҳ қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади:

ушбу Кодекснинг 14—16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда;

сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда;

никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 6 апрель
№ ЎРҚ — 84

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда) **185¹-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Қимматбаҳо металлар сирасига кирмайдиган рангли металлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар) **219¹-моддасининг санкциясидаги** "беш бараваридан ўн бараваригача" ва "ўн бараваридан ўн беш бараваригача" деган сўзлар тегишинча "ўн бараваридан ўн беш бараваригача" ва "ўн беш бараваридан эллик бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 6 апрель
№ ЎРҚ — 85

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар) **125-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, худди шунингдек мотоцикл ҳайдовчиларининг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги, —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади".

2-модда. Ушбу Қонун 2007 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 6 апрель
№ ЎРҚ — 86

СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ — ЖАҲОН НИГОҲИДА



9 апрель – Амир Темур таваллуди куни

«Жаҳон савдо аҳли ила обод бўлажак!». Амир Темур ҳазратларининг ушбу тузуги замирида теран маъно мужассам — Соҳибқирон ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, аввламбор, ўз халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган.

Бугунги кун тушунчалари билан, изоҳлаганда, буюк бобомиз бундан олти аср аввал ҳамкорлик, дўстона муносабатлар, ўзаро манфаатли алоқалар, интеграциялашув каби жараёнларга алоҳида эътибор билан қараган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, иккинчи томондан — Франция, Испания, Англия ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга интилган.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Амир Темур савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида улкан ютуқларга эришган.

Амир Темур Франция ҳукмдори Шарл VI (айрим манбаларда Карл VI), Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III (айрим манбаларда Испания қироли Ҳенрих III), Англия қироли Ҳенрих IV саройларига элчилар юбориб, айни пайтда франциялик, испаниялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилгани ҳақида атрофлича баён этилган кўплаб тарихий ва илмий асарлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шу кунларда таваллудининг 671 йиллиги кенг нишонланаётган Амир Темурнинг башарият олдидаги буюк хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаган. Бугун юртимизда, хорижий мамлакатларда Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда. Дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган салмоқли асарлар сони Европа тилларида 900 дан зиёд бўлса, Шарқ тилларида қарийб мингтага етди.

(Давоми 4-бетда).

ИЖОДКОР СЎЗИНИНГ САЛМОҒИ

Парламент ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуида семинар ташкил қилди. Давра суҳбати тарзида ўтказилган анжуманда фарғоналик ижодкорлардан ташқари Андижон ва Наманган вилоятларидан ташриф буюрган газета ва журнал, радио ва телевидение соҳаларида ижод қилаётган журналистлар ҳам иштирок этди.

Анжуман аввалида қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммедов янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, шу йўналишда тайёрланаётган янги қонунлар ҳақида ахборот берди. Сўзга чиққан нотиқлар қонун ва ижод эркинлиги кафолатлари, журналист фаолиятининг шартномавий муносабатлари, муассис ва таҳририят муносабатларининг ҳуқуқий асослари, малакали журналист кадрлар тайёрлаш муаммолари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирдилар. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросига доир тажрибалар билан ўртоқлашилди.

Мунозаралар, баҳслар жараёнида водий вилоятларида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ишидаги қатор муваффақиятлар билан бир қаторда ҳали ечимини топмаётган муаммолар ва камчиликлар мавжудлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Айрим туманларда газеталарнинг ўз вақтида чоп этилишида муаммолар туғилмоқда. Ҳолбуки, «Истиқбол йўли», «Янги Фарғона», «Давр овози», «Қўқон садоси» сингари газеталар ўзининг доимий ўқувчиларига эга бўлиб, адади тобора кўпайиб бормоқда.

Семинар иштирокчилари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари вилоят телерадиокомпанияси, босмахонаси, газеталар таҳририятларида ҳам бўлдилар. Айниқса, Марғилон шаҳридаги маҳаллаларда бўлган учрашувлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Депутатлар Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан барпо этилаётган бунёдкорлик иншоотларини кўздан кечиришди, аҳоли билан Ватан туйғуси, истиқлол қадри ҳақида мароқли мулоқотлар ўтказишди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЎЗБЕК ПЕДАГОГЛАРИГА ФРАНЦИЯ ОРДЕНИ

Бугунги кунда дунёдаги 181,5 миллион нафар аҳоли француз тилида гаплашади. Бизнинг юртимизда ҳам бу тилни ўрганишга қизиқиш кучли. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ҳамда мактабларда 400 минг талаба ва ўқувчи француз тилини ўрганмоқда. Уларга 4 минг нафар ўқитувчи сабоқ бераяпти.

Ҳар йили 20 март куни бутун дунёда Франкофония, яъни француз тили байрами бўлиб ўтади. Бу йилги байрам республикамизда ҳам кенг нишонланди. Шу муносабат билан икки ҳафта давомида юртимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Наманган, Урганч шаҳарларидаги театр, маданият саройлари, илм даргоҳларида учрашувлар, мушоиралар, театрлаштирилган томошалар ва турли танловлар ўтказилди.

Куни кеча Франция Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида Франкофония байрамининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ёшларига француз тилини ўргатишда фидойилик ва жонбозлик кўрсатгани учун Андижон тиллар институтининг француз тили ўқитувчиси Аҳмадали Мамадалиев Франция Республикаси «Пальма ярпоғи» ордени-нинг Кавалер даражасига, Хоразм вилояти Кўшкўпир туманидаги 1-лицейнинг француз тили ўқитувчилари Муҳаббат Асқарова ҳамда Шукуржон Шомуротовалар эса «Академик Пальма ярпоғи» ордени-нинг Кавалер даражасига сазовор бўлишган эди. Тадбирда Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Бернар АРТ ушбу орденларни ўқитувчиларга топширди.

Франкофония байрами муносабати билан ўтказилган танловда ғолиб чиққан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Доно Каримова ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Екатерина Григорьева Францияда ўтадиган француз тили байрамида иштирок этадиган бўлди.

Б. ЭГАМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДУНЁ НИГОҲИ

— Мен фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонлик ёшлар тўғрисида муҳим эътирофимни айтмоқчиман. Албатта, дипломат сифатида кўплаб учрашув ва анжуманларда қатнашишимга тўғри келади. Ана шундай учрашувларда ўзбек йигит-қизларининг соф инглиз тилида бурро гапиришлари, ўз фикрларини профессионал тарзда муфассал етказа билишлари мени ҳайрон қолдиради. Айниқса, уларнинг турли иқтисодий-сиёсий ва бошқа атамаларга тўлиб-тошган нутқларни қийналмасдан бехато таржима қилиши ҳавасимни келтиради... Бу билан мен ўзбек ёшларининг илмга чанқоқлигини, ўз устида қунт билан ишлашларини ва истеъдодли, тийрак, ўткир зеҳнга эга эканликларини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистоннинг мана шундай малакали ёш кадрларга бойлиги аввало, халқнинг, қолаверса, давлатнинг келажаги порлоқлигидан далолат беради.

Жон ПУРНЕЛЛ,
АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.

«ТОШКЕНТ БАҲОРИ» ЧОРЛАЙДИ

Жорий йилнинг 25 апрель — 6 май кунлари пойтахтимизда илк марта дунё опера ва балет усталарининг халқаро фестивали ўтказилади.

"Тошкент баҳори" деб ном олган ушбу халқаро фестиваль Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Ўзбектеатр" бирлашмаси ташаббуси билан ташкил этилмоқда. Тадбирга "Лукойл" концерни ҳомийлик қилади.

Фестивалда Италия, Испания, Япония, Россия, Латвия, Қозоғистон каби йигирмага яқин мамлакатлар саҳна усталарининг иштироки кутилмоқда. Тарихнинг буюк санъат намояндалари ҳисобланмиш А. Адан, Ж. Пуччини, Ж. Верди, П. Чайковскийнинг қатор асарлари тадбир иштирокчилари томонидан қўйланади. "Тошкент баҳори"да халқаро танлов совриндорлари — италиялик Анна Карновали, испаниялик Лаура Хормигон, Оскар Торрадо, Украина халқ артисти Елена Филипьева, япон балетининг юлдузи Сайно Кудо ва яна кўплаб опера ва балет усталари ўз санъатларини намойиш этадилар.

Халқаро фестивалда юртимиз санъаткорларидан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг етакчи солисти Нормўмин Султонов, «Ниҳол» мукофоти совриндори Абдумалик Абдуқаюмовлар ҳам қатнашади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ташқи сиёсий ташаббус – ўз мафкураси ва фалсафаси ёки концепциясига эга пухта ва пишиқ бўлсагина ҳаётий ҳисобланади. Зеро, бундай ташаббусни амалга ошириш учун, энг аввало, тўла ҳуқуқий механизм яратилмоғи керак. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз жорий йил 2 апрель куни имзолаган «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимиз ташқи сиёсий ташаббусининг амалий ифодасидир.

Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ билан суҳбатимиз ушбу қонуннинг моҳияти ва унинг давлатимиз, минтақамиз, қолаверса, жаҳонда барқарорликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти тўғрисида бўлди.

МАҚСАД – ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

— Минтақамизнинг оммавий қирғин воситаларидан холи бўлишини таъминлаш Ўзбекистон учун долзарб ва ўта муҳим масала бўлиб келган, — дея гап бошлади Мамазоир Хўжамбердиевич. — Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш ва бу борадаги тегишли келишувларни кучга киритиш минтақамиз давлатлари ташқи сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлмоғи лозим", деб таъкидлаган эди.

Маълумки, халқаро ҳаётга оид ҳар қандай ғоя ёки таклифни, гарчи у тўғри ва олқишга сазовор бўлса-да, амалга ошириш ўз ўзидан бўлмайди. У муайян ташқи сиёсий ресурсларни сафарбар қилишни, сиёсий ирода, дипломатик муроса, чуқур таҳлилий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Ташқи сиёсий ташаббусни илгари суриш, муҳими, унинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш ҳар бир давлат ва миллий дипломатиянинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки, ташқи сиёсий ташаббус мавҳум, ҳавойи ғояларни илгари суриш эмас, балки миллий манфаатларга мос келувчи, чуқур таҳлил қилинган дастурдир. Президентимиз томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш бўйича илгари сурилган ташаббус бундай сиёсатнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Юртбошимиз 1993 йил 28 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзга чиқиб, тарихда илк бор дунё ҳамжамиятининг эътиборини минтақада вужудга келган ўта мураккаб вазиятга қаратди. Марказий Осиёнинг асосий муаммоларини чуқур таҳлил қилиб бердилар. Нутқда минтақанинг хусусияти, унинг геосиёсий жойлашувига эътибор қаратилиб, башарти ҳудудда воқеалар ривожи салбий тус олгудек бўлса, бутун дунёда барқарорлик издан чиқиши мумкинлиги таъкидланди. Унда яна минтақада тинчликка, осойишта ҳаётга жиддий таҳдид солувчи омиллар мажмуаси мавжудлиги кўрсатилиб, айни вақтда ҳудудда ядровий қурол тўпланиши жиддий хавотир уйғотаётганлиги қайд этилди. Шу боис, мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ядровий қуролни батомом йўқ қилиш тарафдори эканлигини таъкидлаб, Марказий Осиёни бу қуролдан холи ҳудуд, деб эълон қилиш ташаббусини илгари сурган эдилар. Мана бугун барчамиз ушбу ташаббуснинг амалий ифодасига гувоҳмиз.

— Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш концепцияси нималарни назарда тутади?

— Ушбу концепция, аввало, жаҳон хавфсизлиги, инсониятнинг соғ-омон қолиши, унинг келажагини таъминлашнинг муҳим омилидир. Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудудлигини нафақат минтақадаги мамлакатлар, балки барча, жумладан, ядровий қурол расман эга бўлган давлатлар тан олишлари керак. Шу боис, шартноманинг баённомаси ядро қуролига расман эга бўлган беш давлат: Хитой, Россия, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари ва Франция томонидан имзоланиши учун очиқдир. Баённоманинг 1-моддасига биноан, уни имзолаган давлатлар шартномада иштирок этувчи мамлакатларга нисбатан ядровий қуроллар ёки бошқа ядровий портловчи қурилмаларини ишлатмаслик ёхуд ишлатиш билан таҳдид қилмаслик мажбуриятини олади. Бундан ташқари, шартноманинг 10-моддасига биноан томонлар ушбу шартномага риоя қилиш ёки уни амалга ошириш борасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқиш учун бир йилда бир марта ёки фавқулодда учрашувлар ўтказадилар.

Янги қонунлар

Шунингдек, бу шартнома инсон манфаатларига, унинг яшаш шароитига, атроф-муҳитга, минтақада яшовчи халқларнинг муттасил ривожланишига муайян ижобий таъсир кўрсатади. Марказий Осиёда ядровий синовларни тўхтатиш, ўта хавфли ядровий чиқиндиларнинг кўмилишига барҳам бериш – минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, ҳудудда иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга ва хорижий сармояларнинг ортишига ёрдам беради.

Ва, ниҳоят, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шартнома нафақат ҳудуддаги давлатларни оммавий қирғин воситаларидан озод қилади, балки уларни қуролланиш пойгасига жалб этишга қаратилган ҳаракатларга барҳам беради, яъни минтақада ташқи кучлар рақобатини, мамлакатларни бир-бирига қарши қўйишни истисно этади.

Шартнома террорчиларнинг оммавий қирғин қуролларини қўлга киритиш йўлида Марказий Осиёдаги имкониятлардан фойдаланишига қарши муҳим тўсиқ яратади.

— Ядро қуролидан холи зона яратиш борасидаги халқаро тажриба асқотдими?

— Албатта, Ўзбекистон ушбу ташаббусни илгари суришдан аввал, бу соҳада тўпланган халқаро тажрибани чуқур таҳлил этган. Маълумки, мамлакатимизнинг бу ташаббусидан илгари сайёрамизда ядро қуролидан холи тўртта ҳудуд мавжуд эди. Булар — Тлателолко Шартномасига биноан яратилган Лотин Америкасидаги ҳудуд, Раротонга Шартномасига асосланган Жанубий Тинч Океанидаги ҳудуд, Бангкок Шартномасига мувофиқ Жануби-Шарқий Осиёдаги ҳудуд ва Пелибанда Шартномаси асосида Африкадаги ҳудуд. Ер юзининг қарийб 70 фоизини қамраб олган бундай ҳудудлар мақсади — ядровий қуролнинг тарқалишига чек қўйиш ва ядровий терроризмнинг олдини олишдир.

— Албатта, Сиз тилга олган ҳар бир ҳудуднинг ўз хусусиятлари мавжуд. Шу маънода Марказий Осиё қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?

— Марказий Осиёдаги ҳудуд, тарихда илк бор, ядровий қуролга эга бўлган давлатни ҳам қамраб олади. Маълумки, Қозоғистон ўз вақтида ядровий қурол заҳиралари бўйича дунёда тўртинчи ўринда турарди. Бундан ташқари, минтақада ядровий қуролни синаш бўйича дунёдаги энг йирик — Семипалатинск полигони қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилиб келинди. Шу давр ичида мазкур полигонда (ҳаводa, ер усти ва ер остида) жами 458 марта ядровий портлашлар амалга оширилди. Натижада 300 минг квадрат километр ҳудуд ифлосланди ва 1,7 миллион кишига бевосита зиён етказилди.

Марказий Осиё икки ядровий давлат – Россия ва Хитой билан бевосита чегарадошдир.

— Бундай ҳудудни яратиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Аввало, ушбу ҳудудни яратиш минтақамиздаги барча давлатлар ёндошувларининг уйғунлашувини тақозо қилди. Шартнома баённомаси ядро қуролига расман эга бўлган давлатлар томонидан имзоланиш учун очиқ экани боис, Хитой, Россия, Буюк Британия, АҚШ ва Франция нуқтаи-назарларини мувофиқлаштириш учун ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилди. Масалан, 1997 йил 15 сентябрда Тошкент шаҳрида «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» халқаро конференциясининг ўтказилиши ҳужжат матнига сайқал бериш борасидаги муҳим омиллардан бири бўлди. Умуман, шартнома матнини ишлаб чиқиш ва барча давлатлар нуқтаи-назарларини уйғунлаштириш бўйича 1997-2002 йиллар мобайнида Женева, Тошкент, Сапорро (икки маротаба), Ашхабод ва Самарқанд шаҳарларида амалий учрашувлар ўтказилди. Музокаралардa БМТнинг Қуролсизланиш масалалари бўйича департаменти ва МАГАТЭ мутахассислари фаол иштирок этишди.

2005 йилнинг февралида Тошкентда Минтақавий экспертлар гуруҳининг еттинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда шартнома матни юзасидан умумий ёндошув масаласида келишиб олинди. Натижада 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинскда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартнома имзоланди.

— Ушбу воқеа дунёнинг етакчи сиёсатчилари, олимлар, халқаро ташкилотлар томонидан қандай баҳоланди?

— Таъкидлаш жоизки, шартноманинг имзоланишини дунёнинг етакчи сиёсий арбоблари, нуфузли тадқиқотчилари Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва тинчликни сақлаш, ривожланиш ва тараққий этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишда муҳим қадам, дея баҳолашди. Масалан, БМТнинг ўша пайтдаги Бош котиби Кофи Аннан мазкур шартноманинг имзоланиши "ядровий қурол тарқатмасликнинг глобал тартибини кучайтиради, ядро қуролидан холи дунёга эришиш йўлидаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиради, глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизликни сезиларли даражада мустаҳкамлайди", дея таъкидлаган эди. БМТ Бош Ассамблеяси 2006 йилнинг 6 декабрида ушбу шартноманинг имзоланишини қўллаб-қувватлаб, махсус резолюция қабул қилди.

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчиси Фарит Мухаметшин ўз давлати номидан минтақанинг ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилишини қўллаб-қувватлади ва бу ҳужжат Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон майдонидаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам эканини таъкидлади. АҚШнинг Монтерей халқаро тадқиқотлар институти ядровий қуролни тарқатмасликни тадқиқ қилиш маркази директори, профессор У.Поттер фикрича, ушбу ҳужжат халқаро ҳамжамиятнинг ядровий қурол тарқалишининг олдини олишга ва ядровий террорчиликка қарши қаратилган саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлайди. "У, — дейди олим, — қуролсизлантириш, тинчлик ва хавфсизлик мақсадларига эришиш йўлида ташланган улкан қадамдир".

Хулоса қилиб айтганда, «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ватанимизнинг туб манфаатларига тўла-тўкис жавоб беради ва миллий, минтақавий ҳамда халқаро хавфсизлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2007 йил биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги мажлисидаги 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2007 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларига бағишланган маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини кучайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилди.

Йилнинг биринчи чораги натижалари бўйича Комплекс таркибига кирувчи соҳалар томонидан 172,14 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб ва хизматлар кўрсатилиб, 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 150,2 фоиз ўсишга эришилди.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 3,4 миллионга етгани ҳамда Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланувчилар сони бир миллион 745 мингтани ташкил қилгани таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси ва экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбар ходимларнинг ушбу вазифаларни бажаришга доир масъулиятини ҳамда хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда ахборот-коммуникация технологиялари ва матбаа соҳаларида хизмат кўрсатишни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш суръатларини янада жадаллаштириш, жумладан, қишлоқ жойларда алоқа соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, нашриёт-матбаа ижодий уйлари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Шу билан бирга, ижро интизомини кучайтириш, Комплекс таркибидаги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини янада яхшилаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

7 апрель — Бутунжаҳон саломатлик куни

Саломатлик куни арафасида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Сингапурда ташкиллаштирилган мазкур учрашувда ОИТС, зотилжам, парранда гриппи каби ўткир юқумли касалликлар кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлди.

ТАНАНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Айниқса, турли экологик муаммолар вужудга келаётган ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш масаласи ҳамма учун бирдек аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Озон қатламининг емирилиши, иқлимнинг йилдан-йилга глобал даражада исиб бориши каби хатарлар ҳамда турли хил юқумли касалликларнинг пайдо бўлаётгани ҳозирда бутун дунё олимларини ташвишлантирмоқда. Бугун энг тараққий этган мамлакатлар ҳам соғлиқни сақлашнинг самарали тизимини яратиш устида изланмоқда.

Бироқ, бу муаммолар биргина ҳудуд билан чегараланиб қолмайди, биргина давлат томонидан бартараф этилмайди. Шу боис, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ушбу тадбирида иқлимий ўзгаришлар ва атроф-муҳит таъсирида келиб чиқаётган хасталикларнинг олдини олиш масаласи муҳокама қилинди.

Тиббий хавфсизликни таъминлаш ишларини халқаро миқёсда мувофиқлаштирадиган нуфузли ташкилотнинг бунга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас.

— Табиий офатлар ва қуролли низолар билан боғлиқ ижтимоий бўҳронлар аҳолининг тиббий хавфсизлигига асосий хатарлардан бири бўлиб қолмоқда, — дейди Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Фавқулодда ҳолатларга тайёргарликни таъминлаш бўйича маслаҳатчиси Жералд Рокеншауб. — Сўнгги 15 йилда Европа ҳудудида 300 мингдан ортиқ киши қуролли тўқнашувлар оқибатида ҳалок бўлган бўлса, табиий офатлар 100 минг кишини ҳаётдан олиб кетди.

Мутахассисларнинг фикрича, аксарият аҳоли қатламлари грипп пандемиясига етарлича тайёр эмас. Шу боис, бундай касалликлар аломатларидан огоҳ қилиш ва чора-тадбирлар кўришнинг янги тиббий-санитария қоидаларини яратиш ҳамда халқаро миқёсда жорий этиш устидаги изланишлар давом этмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги "Radisson SAS" меҳмонхонасида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам ана шундай долзарб масалалар ва уларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида гап борди. Унда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутасаддилари билан бирга мамлакатимизнинг кўзга кўринган тиббиёт ходимлари, соҳага дахлдор идора ва ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг минтақавий муассасалари тадбирлар ўтказиб, аҳолининг тиббий хавфсизликдан хабардорлик даражасини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда эса бундай тадбирлар кеча ёки бугун бошлангани йўқ. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини ривожлантириш диққат марказида бўлиб келмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда ҳар бир йилнинг алоҳида ном билан аталиши, қатор йилларга соғлиқни сақлаш тизимига дахлдор номлар берилиши, бу борадаги ислоҳотларнинг янада кенг қулоч ёйишига замин яратмоқда.

Анвар САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Бойитилган ун мўъжизаси

Ўзбекистонда минтақадаги мамлакатлар орасида биринчи бўлиб, унни бойитиш бўйича Миллий дастур қабул қилинган эди.

■ Мазкур дастур ижроси доирасида 14 та донни қайта ишлаш корхоналари махсус дозаторлар билан жиҳозланиб, уларда темир, фолий кислотаси, рух ва бошқа зарур дармондорилар билан тўйинтирилган ун тайёрланмоқда.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда БМТ Болалар жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси Наманганда ташкил этган семинар-тренинг юқоридаги дастур ижроси, шунингдек, камқонликнинг олдини олишда бойитилган уннинг аҳамияти масаласига бағишланди. Вилоятдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари мутахассисларнинг маърузаларини тинглаш билан бирга, мазкур йўналишда вилоятда олиб борилаётган амалий ишлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Қишлоқ хўжалигида ер ости сувларининг жойлашишини билиш муҳим аҳамиятга эга. Амударёдан сув оладиган Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси деҳқонлари учун бу масала, айниқса, долзарб ҳисобланади.

Мелиорация ва ахборот технологияси



■ Ахборот технологияси ривожланган ҳозирги даврда ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳақидаги маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, илмий асосланган тавсияларни оммалаштириш учун катта имкониятлар юзага келди. Олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигида «Географик ахборотлар тизими» ишлаб чиқилди. Ундан самарали фойдаланиш учун нималар қилиш керак? Амударё ҳавзасида жойлашган вилоятлар гидрогеология-мелиорация экспедициялари Қарши шаҳрида семинарга тўпланиб, бу муаммонинг ечими тўғрисида фикр юритдилар, ўзаро тажриба алмашдилар. Семинар қатнашчилари уч кун давомида янги тизимнинг афзалликлари, уни янада ривожлантириш истиқболлари тўғрисида олимлар, мутахассислар билан мулоқот қилиш билан бирга, мавжуд компьютер дастурларидан фойдаланишни амалда синаб ҳам кўрдилар.

Бу семинарнинг Амू-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг гидрогеология-мелиорация экспедициясида ўтказилганлиги бежиз эмас. Қашқадарё вилояти деҳқонлари кейинги йилларда пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олмоқдалар. Бунда, табиийки, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар кенг миқёсда олиб борилаётганлиги, экспедиция тадқиқотчи мутахассисларининг янги технологияни ўзлаштириш соҳасида тўплаган катта тажрибаси қўл келмоқда.

Н. БЎРИБОЕВ.

«Шодиёна»га марҳабо

Самарқандда фойдаланишга топширилган янги савдо мажмуаси «Шодиёна» деб номланди.

■ Мажмуа барпо этилган ҳудуд ободонлаштирилди. Ўтказилган кўплаб дарахтлар, янгидан ташкил этилган гулзорлар, фавворалар бино атрофидаги майдон кўркига кўрк қўшди.

Ушбу савдо мажмуаси Самарқандниг 2750 йиллиги муносабати билан барпо этиладиган иншоотларнинг биридир.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Корхоналар кўпаймоқда

■ Ўтган йили Сурхондарёда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўттиз фоиз ўсди. Воҳага хориж инвестициясини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, янги қўшма корхоналар барпо этилаётгани ютуқлар омили бўлаяпти.

Яқинда Жанубий Кореянинг «Shindong Enercom Ini» компанияси тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида 70 та замонавий тикув машинасини олиб келиб ўрнатди. Тез орада бу ерда юзга яқин чевар аёл фаолият бошлайди.

Айни чоғда хорижлик ишбилармонлар Шеробод туманида ёғ ишлаб чиқариш заводини қурмоқдалар, Термизда эса ип-йигирув корхонасини бунёд этиш режаси устида ишламоқда.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Умид»дан умид катта



■ Мирзачўллик тадбиркор Бахтиёр Қўнаров йил бошида Тошкентда ўтказилган халқаро кўргазмада «Перммясо» компанияси (Россия)нинг колбаса ва бошқа гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий технологиясини сотиб олган эди. Яқинда у раҳбарлик қилаётган «Умид» кўп тармоқли хусусий фирмаси жамоаси ана шу янги ускуна ёрдамида дастлабки маҳсулотларни ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб берди. Тадбиркор «Саратов Восход электромаш» бирлашмасидан харид қилган технологиялар ёрдамида эса нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу юмушларни 50 нафардан зиёд йигит-қизлар қойилмақом этиб бажармоқдалар. Уларнинг «Умид»дан умидлари катта.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳорат сабоқлари

■ Отажон Худойшукуров номидаги Элликқалъа санъат коллежида миллий мусиқамизнинг бебаҳо дурдоналари ҳисобланган Хоразм мақомлари, Матпано Худойберганов, Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Матёқуб Раҳимов, Отажон Худойшукуровлар меросини ўрганиш борасида муайян ишлар қилинмоқда.

— Бундан ташқари, коллежимизда маҳорат синфи ташкил этдик, — дейди санъат ўқув юрти раҳбари Аҳмаджон Нурумбетов. — Унда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова опера сирларидан, Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофоти соҳиби Ёдгор Саъдиев эса актёрлик маҳоратидан ўқувчиларимизга сабоқ берди. Бу иш яна давом этади.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Кейинги пайтда катта-кичик йиғинларда «Яккабоғтекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг имкониятлари, айниқса, экспорт салоҳияти ҳақида илиқ гаплар айтилмоқда. Унинг фаолияти билан яқиндан танишгач, бу мақтовлар бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилдик.

Корхонанинг цехлари саранжом-саришта. Қатор териб қўйилган пахта тойлари устидан бир маромда юриб турган ускуна толани қувур орқали дастгоҳларга етказиб бераяпти. Йигирув дастгоҳларига ўрнатилган ғалтаклар эса тинмай айланиб, ип ўрамоқда. Энг муҳими, бутун иш жараёни автоматлаштирилган. Оғир қўл меҳнати талаб қилинмайди. Ишчилар фақат дастгоҳларнинг ишини кузатиб туришибди. Тайёр калавалар Россия, Украина, Латвия, Қозоғистондаги буюртмачиларга жўнатиш учун қопларга жойланаяпти.

ЭКСПОРТ ВА СОЛИҚҚА ОИД ИМТИЁЗЛАР

«Яккабоғтекс»нинг салоҳиятини оширмоқда





Бу бир қарашда одатий ҳолга ўхшайди. Ахир ҳамма фабрикалар ҳам шундай ишлайди, дейишингиз мумкин. Лекин «Яккабоғтекс»нинг натижаларини бошқа турдош корхоналар билан таққослаганда, унинг бир меъёрда ишлаши ўзўзидан бўлмаётганлиги кўзга яққол ташланади.

— Фабрикамизга тўқимачилик соҳасидаги энг сўнгги дастгоҳлар ўрнатилган, — дейди қўшма корхона бош менежери Эшқувват Ашуров. — Германиялик ҳамкоримиз — «Unitechna индустриаллаген Гибх» фирмаси тўқимачилик технологияси соҳасида дунёда танилган. Шунинг учун ҳам, жиҳозларимиз ишончли. Ишчи ва муҳандисларимиз яхши тайёргарликдан ўтган. Дастгоҳлар кечаю кундуз тинимсиз ишлайди. Ишчиларни уч марта алмаштирамиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг асосий қисми экспорт қилинади. Ташқи бозорнинг талаби қаттиқ. Калава ипнинг сифатига 21 хил мезон бўйича баҳо берилади. Битта талаб бажарилмаса, маҳсулот четга ўтмайди. 2006 йилда 2 миллиард 777 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик, 2 миллион 523 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотни экспорт қилдик. Бу жами сотилган маҳсулотимизнинг 91 фоизини ташкил қилади.

Маҳсулотнинг ташқи бозорда сотилаётганлиги корхонага катта иқтисодий фойда бераяпти. Айниқса, солиқ тўлашдаги имтиёзлар туфайли катта маблағ тежалиб, корхонанинг ички эҳтиёжлари учун сарфланмоқда. Бу ҳақда бош ҳисобчи Хадича Шеровонинг аниқ ҳисоб-китоблари бор: 2006 йилда экспорт ҳажми 80 фоиздан ошганлиги учун корхона мулк солиғидан озод бўлди. Бундан 213 миллион 852 минг сўм фойда кўрилди. Кўшимча қиймат солиғидан озод бўлингани учун 314 миллион сўм маблағ корхона ихтиёрида қолди. Агар бунга ўтган йили экология солиғи бекор қилинганини ҳам қўшадиган бўлсак, яна 29,4 миллион сўм тежаб қолинди, демакдир. Хуллас, экспорт ҳажми ошганлиги учун берилган имтиёзлар ҳамда давлатимизнинг солиқ юкини камайтиришга қаратилган сиёсати туфайли корхонанинг иқтисодий салоҳияти ошди, айланма маблағи кўпайди. Хориждан дастгоҳларни харид қилишда «Асакабанк» орқали 5 миллион 300 минг евро кредит олинган эди. Ўтган йили унинг бир миллион 200 минг АҚШ долларига тенг қисми тўланди.

— Мен тадбиркорликни мустақилликнинг дастлабки йилларида кичик корхона очишдан бошлаган эдим, бугун эса мана шу замонавий фабриканинг учдан икки қисми — менинг шахсий мулким, — дейди Эшқувват ака ғурур билан. — Давлатимиз тадбиркорлик учун эрк берди, мулкдорни қўллаб-қувватлаяпти. Бунга биз ҳалол меҳнатимиз билан, меҳру садоқатимиз билан жавоб беришимиз керак. Ниятим катта. Ҳозир килоси 1 долларлик пахта толасидан калава ип тайёрлаб, хорижга 1,5 долларга сотаяпмиз. Келажакда фабрикага келтирилган тола тайёр кийим бўлиб чиқишини орзу қиламан. Ана ўшанда пахтамиз ҳозиргидан етти баробар кўпроқ фойда келтиради. Бугун 200 киши ишлаётган бўлса, ўшанда минглаб одамлар ишли бўлади. Ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб қўйганман.

Суҳбатимиз сўнгида бош менежер бизга турли чизмалар билан тўла қоғозни кўрсатди. У ип йигирув цехини кенгайтиришнинг лойиҳаси экан. «Яқинда 1 миллион 100 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, цехнинг қувватини яна 30 фоизга оширишни мўлжаллаяпмиз, ана ўшанда йиллик экспорт ҳажми 5 миллион долларга етади», — деди у хайрлашув чоғида.

Ўзи фабрика қуриб, ўзи ишбошилик қилаётган мулкдорнинг бугунги ишлари ва эртанги режаларига ҳавасимиз келди.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.
Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

КЎРКАМ ШОҲБЕКАТЛАР

«Жанубий вокзал» шоҳбекатида тургандим. Ён-атрофга аланглаб қараётган отахон ёнимга келиб, ийманибгина сўради:

— Ўғлим, кечирасиз, Мустақиллик майдонига нечанчи автобус боради?

— Унда 57, 38-автобусларга чиқинг.

— Раҳмат, ўғлим. Тошкентга анчадан буён келмагандим, — деди ўзини Назир бобо деб таништирган отахон. — Наврўз кунлари Тошкентни кўришни ният қилгандим. Катта ўзгаришлар бўп кетипти. Бир пайтлар мана шу турган жойимиз кўримсиз эди. Энди эса кўрганинг сари кайфиятинг кўтарилади. Яратганга шукр.

Отахон билан қисқа, аммо дилдан суҳбатлашдик. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан ҳар бир кишининг дили қувонаётгани бор гап. Ана шундай ибратли ишлар қаторида пойтахтимиз транспорт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳам тилга олиш жоиз.

Яқинда пойтахт шоҳбекатларининг бугунги аҳволи билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Учтепа туманига йўл олдик.

«Чилонзор 25-даҳа» шоҳбекатида автобусларнинг бири келиб, бошқаси чиқиб кетмоқда. Ҳамма ҳаракатда. Шоҳбекатга яқинлашамиз. Кўркам, озода ва замонавий услубда қурилган бино олдидаги фавворалардан сув отилиб турибди.

— Шоҳбекат тубдан таъмирланди, — дейди шоҳбекатнинг раҳбари Шуҳрат Мирзаахмедов. — Ҳайдовчи, чиптачи ва барча ходимларимизга яхши шароит яратиб берилди. Ошхона улар хизматида. Ҳордиқ чиқариш учун алоҳида хонамиз бор. У ерда ходимларимиз газета, журнал ўқишлари, телевизор кўришлари мумкин.

Шоҳбекат атрофини айланамиз. Айтишларича, фавворалар учун сув 120 метр чуқурликдан насос ёрдамида тортиб олинаркан. Автобуслар тўхташ жойининг оралиғида айвончалар қурилган. Бу айвончалар йўловчиларни қишда қордан, кузда ёмғирдан, ёзда эса қуёшдан сақлайди.

Айни кунда шоҳбекатдан 12 йўналиш бўйича автобус ва троллейбуслар қатнайди. Йўловчиларнинг фикрини билиш учун энди юришга чоғланаётган 2-автобусга чиқдик. Ўзини Махсума Дадажонова, деб таништирган онахонни суҳбатга тортдик.

— Бу шоҳбекатнинг аввал қандай кўринишда бўлганини мана биздан сўранг. Йўл нотекис эди. Ёмғир ёғса, сув бир жойга ҳалқоб бўлиб қоларди.

Пойтахтдаги бошқа шоҳбекатларни ҳам кўздан кечирдик. Таъмирлаш ишлари давом этаётгани ҳам бор улар орасида. Ювиниш хоналари, ошхона, дам олиш хоналари жиҳозланмоқда. Нафсиламбрини айтганда, бу шоҳбекатлар бири биридан кўркам.

— Президентимизнинг "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилингандан кейин қатор ишлар бажарилди, — дейди «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси ўринбосари Зайниддин Аброров. — Шоҳбекатларнинг бугунгидек кўркамлик касб этиши ҳам шу Фармон туфайли, деб биламан. Пойтахтдаги 69 та шоҳбекатда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Уларни янгидан қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига 805.9 млн сўм сарфланди. Ободонлаштириш ишлари яна давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
Темур ҚУРБОНБОЕВ (сурат),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Ҳурматли ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар!

«ОКСИГУМАТ»

ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи, озиқланишини, касалликларга қарши ҳимояланишини бошқарувчи — стимулятор.

Янгилик!

Янги, юқори самарали, бетакрор хусусиятли препарат. «Оксигумат» биологик фаол препарат сифатида қишлоқ хўжалигида уруғларнинг унумдорлигини ошириб, кўчатларнинг илдиз отиши ва яхши тутиб кетишини таъминлайди.

- ҳосилдорликни оширади,
- маҳсулотларнинг сифатини яхшилайди,
- тупроқ таркибидаги микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини ривожлантиради,
- мавсумий ўзгаришлар суръатини ва пишишини тезлаштиради (10-20 кунга),
- касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини кучайтиради,
- минерал озиқланишини мақбуллаштиради,
- тупроқнинг аллелопатик зўриқишини камайтиради.

«ОКСИГУМАТ» — қўшимча ҳосилни таъминлайди.

Бодринг	— 30 - 40 %
Буғдой	— 35 - 40 %
Гуллар	— 13 - 25 %
Дуккакли экинлар	— 60 - 80 %
Картошка	— 40 - 50 %
Кунгабоқар	— 50 - 70 %
Лавлаги	— 35 - 40 %
Маккажўхори	— 40 - 60 %
Пахта	— 50 - 70 %
Пиёз	— 30 - 40 %
Полиз экинлари	— 50 - 60 %
Помидор	— 25 - 30 %
Сули	— 20 - 40 %
Шоли	— 70-90 %

Экологик зарарсиз. Давлат кимё комиссияси томонидан Ўзбекистонда ишлатиш учун рухсат этилган. ГУВОҲНОМА № А 947.

«Гранд агро плюс» фирмаси
Манзил: Тошкент ш. Ф.Мавлонов к., 52/2 уй.
Тел.: 135-87-05, 449-30-84, 135-53-15 (кечкурун), 330-13-44.

Sanipiast «САНИПЛАСТ» Ўзбекистон—Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беришади.

Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Республика Кўчмас мулк биржасининг (РКМБ) ҳудудий вилоят филиаллари томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Судлар Департаментининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, Наманган вилояти Хўжалик судининг 2004 йил 30 июлдаги 16-0406/1243-сонли ижро варақасига асосан, Косонсой шаҳар, Обод маҳалласида жойлашган, «Косонсой хўжалик ҳисобидаги марказлашган база»га қарашли бўлган бино ва иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 53 304 476 сўм.

Ушбу кўчмас мулк объекти билан суд ижрочиси иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 24, 27 апрель ва 1 май кунлари соат 11.00да, ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. (Ушбу кўчмас мулк объекти бўйича «Наманган ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 21 мартдаги 23-24-сонида хабарнома чоп этилган).

Аукцион савдолари Наманган шаҳри, Нодира кўчаси 3-уй манзилида жойлашган (Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси биносининг 4-қавати) савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Наманган вилоят филиалининг ТИФ «Миллийбанк» Наманган бўлимидаги МФО 00222, ИНН 200933850, 20210000900571452021-ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй.
Телефонлар: 226-54-47, 226-27-01.

2. Жиззах вилояти, Янгиобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Жиззах вилояти Хўжалик судининг 2006 йил 13 февралдаги 13-0508/11695-сонли ижро ҳужжатига асосан, умумий қурилиш майдони 518,4 кв.м. бўлган, олд ва ён темир дарвозалари билан бирга, 1996 йилда қурилган, Янгиобод тумани, Ховос қ.ф.й.да жойлашган, «Баландчақир-нон» МЧЖ биноси.
Бошланғич баҳоси — 47 975 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулк объекти билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 10, 16, 23, 30 май ва 6, 13 июнь кунлари соат 11.00да, ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. (Ушбу кўчмас мулк объекти бўйича «Жиззах ҳақиқати» — «Жиззахская правда» газеталарининг 2007 йил 4 апрелдаги 28-сонида хабарнома чоп этилган).

Аукцион савдолари РКМБ Жиззах вилояти филиали биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Жиззах вилояти филиалининг АТ «Ипотекабанк» Сангзор филиалидаги МФО 00834, 20210000000571452050-ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Жиззах ш., Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй.
Телефонлар: 222-35-77, 222-34-16, 771-65-90.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия DB 001 №000004.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Компьютерлар керак...ми?



АҚШда мактабларни компьютер технологиялари ва дастурлари билан таъминлаш учун йилига икки миллиард доллар сарфланади. Бу ҳақда «The Washington Post» газетаси мамлакат таълим вазирлиги томонидан ўтказилган тадқиқотларга таяниб хабар тарқатди. Шундай бўлса-да, таълим тизимини компьютерлаштириш ўқитиш услубининг самарадорлигига ёрдам бермаяпти. Бунга компьютер ўйинларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани сабаб. Талабалар дастурлардан унумли фойдаланиш ўрнига ўйинлар билан кўпроқ машғул бўлишмоқда.

Иқтисодиёти энг ночор давлат

БМТ Африка иқтисодиёти ҳақида йиллик анъанавий ҳисоботини эълон қилди. Унда айтилишича, қитъада Зимбабве энг паст ривожланаётган давлат сифатида қайд этилган.

Африка мамлакатлари орасида Ангола иқтисодиётнинг барча кўрсаткичлари бўйича 2006 йилда яхши натижаларга эришган. Хусусан, ялпи миллий маҳсулот ҳажми 17,6 фоизга ўсган. Зимбабведа эса бу кўрсаткич 4,4 фоизга пасайган. Мазкур мамлакатда инфляция даражаси ҳам жуда юқори — 1730 фоизни ташкил этган.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Ангола нефть экспортини ошириш эвазига ривожланиб боряпти.

Вазир муҳокама тарафдори

Пентагон Ироқда ушланган беш нафар Эрон фуқаросини қўйиб юбориш нияти йўқлигини билдирди. Улар маҳаллий исёнчиларни қўллаб-қувватлаганликда айбланиб, жорий йил бошида қўлга олинганди. АҚШ Мудофаа вазири Роберт Гейтснинг сўзларига кўра, Эрон вакиллари билан қамоқда сақланаётганларнинг учрашувига рухсат бериш учун биринчи навбатда Ироқ ва Америка расмийлари бу масалани муҳокама қилиб олишлари керак.

Бозори чаққон самолёт

«Boeing»нинг «B-787» самолётларига дунёнинг 43 та авиакомпаниясидан 500 та буюртма тушди. «B-787» самолётлари дунёда тез сотилаётган авиалайнерга айланди. Бироқ у ҳали бирор маротаба ҳам парвоз қилгани йўқ. Самолётни синовдан ўтказиш ишлари август ойида бошланиши тахмин қилинаяпти.

Ушбу самолётнинг афзаллиги шундаки, у ҳозирги узоқ масофага учувчи ҳаво кемаларидан 20 фоиз кам ёнилғи сарфлайди. Бундан ташқари, «B-787» тўлиқ компьютерлаштирилган.

Кема ҳалокатга учради

РИА «Новости»нинг хабар тарқатишича, Эгей денгизида йўловчи кема ҳалокатга учраган. Унда 1195 нафар йўловчи ва 391 нафар экипаж аъзолари бўлишган. Хабарларда «Sea Diamond» деб номланувчи мазкур кема Грецияга қарашли эканлиги айтилади.

Сўнгги маълумотларга қараганда, барча йўловчилар қутқариб қолинган.

Кўпроқ сут, мева ва сабзавотлардан истеъмол қилиш кашандаларнинг сигаретдан қутилишига катта ёрдам беради.

Кашандалар учун парҳез

Халқаро олимлар гуруҳи 209 нафар чекувчи ўртасида сўровнома ўтказгандан сўнг шундай хулосага келишди.

Тадқиқотлар давомида алкогол маҳсулотлар инсон организмида тамакига бўлган эҳтиёжни бир неча баробарга ошириб юбориши маълум бўлди. Мутахассислар чекишдан қутулишни истовчилар учун махсус парҳез таомлар турини яратиш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Маълумот ўрганилаяпти

Маълум бўлишича, толибларнинг юзлаб жангарилари Афғонистоннинг жануби-шарқидаги Забул музофоти ҳокимияти биносини эгаллаб олишган. Маҳаллий полиция вакилининг айтишича, жангарилар яна бир неча маъмурий биноларни босиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. НАТО қўмондонлигининг баёнот беришича, ҳозирда ушбу маълумот батафсил ўрганилаяпти.

Жангарилар қўлга тушди

Москвадаги Беларусь вокзалида икки чеченистонлик қўлга олинди. Улар уюшган жиноятчиликда айбланаяпти. Ҳуқуқ-тартибот органларининг маълумотларига кўра, ушланганлар полиция идораларига ҳужум уюштирганликда ва бир неча Чеченистон хавфсизлик хизмати ходимларини ўлдирганликда айбланмоқда.

Айни пайтда тергов жараёнлари бошлаб юборилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

СОҲИБҚИРОН СИЙМОСИ — ЖАҲОН НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу китоблар орасида Кастилия қироли элчиси Рюи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги. 1403-1406 йиллар" асарида баён этилган хотиралари ва ҳисоботлари шак-шубҳасиз, алоҳида ўрин тутади. Клавихонинг Самарқанд сафари кундаликлари кўпчиликка яхши маълум. Афсуски, элчининг шахси ҳақида у қадар бой маълумотлар етиб келмаган.

Амир Темур салтанатига саёҳати туфайли дунё юзини кўрган кундаликлар Клавихони оламга машҳур қилди. Зотан, неча асрлардан буён унинг бебаҳо кундаликлари ўрта асрлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан саналади.

Клавихо кундаликлари илк бор 1582 йилда Испаниянинг Севилия шаҳрида Арготе де Молина томонидан нашр қилинган. Ношир китобга титул вараги ва қисқача тақриз ҳам киритган. Китоб Испанияда бир неча марта қайта нашр этилган. Шунингдек, Япония, Россия, Аргентина ва бошқа мамлакатларда инглиз, француз, турк, форс тилларидаги таржималари чоп этилган.

Ўтган йили Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан юртимизда Клавихо кундаликларининг бевосита испан тилидан илк бор ўзбек тилига таржимаси юртдошларимиз эътиборига ҳавола қилинди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, Клавихо Амир Темурни кўриб, у билан бевосита суҳбатлари асосида хотиралар ёзган саноқли кишилардан биридир. Бу ҳолат унинг кундаликлари ҳаққонийлигини янада оширади.

Маълумки, Амир Темур одатда Европа мамлакатларига масиҳийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско, Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоанн ана шундай вазифаларни адо этган. Мисол учун 1402 йилда руҳоний Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқиронинг хатларини олиб борган. Шу маънода, архиепископ Иоаннинг "Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар" асари ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб Европа ва Шарқ тилларида битилган минглаб асарлар орасида алоҳида ўрин тутади.

Архиепископ Иоанн ўз хотираларида, хусусан, Фрот дарёсига ғарқ бўлган кемага олтин қушчалар қўниб турибди. Қушчаларга ҳар хил сирли буюмлар билан сайқал берилган. Баъзи қушчаларнинг қаноти туширилган, баъзилари тушиб кетадигандек бўлиб бутоқларга зўрға илиниб турибди, айримлари дарахтнинг ёқут, феруза, марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлардан ишланган мевалари орасидаги олтин дарахт тасвирига алоҳида тўхталади ва бу дарахт ҳам бутун хазина қатори Самарқандга жўнатилганини маълум қилади. Архиепископ мазкур олтин дарахт Самарқандга етиб борган-бормагани ҳақида лом-лим демаган, зеро, у Соҳибқирон салтанатининг пойтахтида бўлмаган.

Бироқ 1404 йил Самарқандда Амир Темур билан мулоқотда бўлган Клавихо шу олтин дарахт ҳақиқатан ҳам бўлганлигини тасдиқлайди. У олтин дарахтни Сароймулкхонимнинг чодирида учратади ва кўрганларини қуйидагича тасвирлайди: «Ушбу хонтахта қаршисида эман дарахти шаклидаги олтин дарахт турибди. Дарахтнинг танаси одам оёғи йўғонлигича келади. Унинг шохларида эман дарахти баргларига ўхшаш япроқлар ҳар томонга таралган, баландлиги одам бўйича бор. Дарахтнинг сарғиш, қизил, зангори ёқутлар, зумрадлар, ферузалар ва ажойиб йириқ-йириқ, думалоқ, сариқ марваридлардан мевалари бор эди. Бундан ташқари, дарахтнинг турли мамлакатларидан шоҳлару маликалар, Миср ва Чин элчилари ташриф буюрганига шахсан гувоҳ бўлган. Унинг ўзига ҳам Темур саройида беҳад юксак эҳтиром кўрсатилган. "Бу улкан баҳри муҳитда ҳатто митти балиқнинг ҳам муносиб ўрни ва аҳамияти бор эди", деб хотирлайди Клавихо.

Ўтган йили Испания пойтахти — Мадрид, Алқала де Энарес шаҳарларида Амир Темур таваллудининг 670 йиллик юбилейи ҳамда Клавихонинг Соҳибқирон саройига дипломатик ваколати амалга оширилганлигининг 600 йиллигига бағишланган нуфузли илмий анжуманлар ташкил этилди. Алқала де Энарес — 1836 йилга қадар Испаниянинг марказий шаҳари ҳисобланган ва Клавихо Амир Темур саройига элчилик ваколатини амалга ошириб қайтганидан сўнг шу ерда яшаган.

Испания давлат ва нодавлат ташкилотлари, мамлакатимиз делегацияси вакиллари иштирокида ўтказилган ана шу тадбирлар чоғида дунё, Европа давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатишга алоҳида эътибор билан қараган Амир Темурнинг номи чуқур эҳтиром билан тилга олиниб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур халқаро анжуманларда «Клавихо кундаликлари» ёрдамида испанияликлар, умуман, европаликлар Амир Темур шахси, давлати, иш юритиши, ҳарбий машқлари, қадимий Самарқанд, унинг боғлари, саройлари ҳақида ноёб маълумотларга эга бўлгани қайд этилди. Соҳибқиронинг давлатни боқ-ариш борасидаги ибратли тажрибаси ҳозирга қадар давлат ва жамият қурилиши, ҳарбий соҳа мутахассислари эътиборини жалб этиб келмоқда.

Шу ўринда ўша халқаро анжуман иштирокчиларидан айримларининг фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

"Мен бутун умрим давомида адабиёт билан шуғулланиб келаман, — дейди 90 ёшли олим Франсиско Лопес Эстрада. — 1941 йилда Ўрта асрда яшаб ўтган испан сайёҳи Клавихо ҳақида докторлик диссертация ёқлаганман. Унинг кундаликларини «эски кастилиян" тилидан замонавий тилга таржима қилганман. Бу Марказий Осиё ва Испания алоқалари тарихига бағишлаб ёзилган биринчи китобдир. Шунинг учун уни испанлар имкон қадар кўпроқ ўқиши ва ўзбек халқи билан яқинроқ танишиш учун албатта мамлакатингизга саёҳат қилишлари керак, деб ўйлайман".

«Амир Темур нафақат буюк саркарда, айни чоғда буюк давлат арбоби сифатида илм-фан ривожига, бунёдкорлик ва маданий қадриятларни тиклаш борасида улкан ҳисса қўшган инсондир, — дейди Испаниянинг география жамияти вице-президенти Диего Аскуэта Бернар. — Мен экспедиция таркибида Ўзбекистонда бўлганимда ўзбек халқининг очиққўнгиллиги, камтаринлиги ва меҳмондўстлиги ҳақида Клавихонинг ўз кундаликларида ёзган хотираларига ишонч ҳосил қилдим».

"2005 йили экспедиция аъзоси сифатида юртингизда бўлган эдим, — дейди Алқала университети профессори Антонио Мигель Кармона. — Бундан 600 йил олдин мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган алоқалар ўша даврда катта сиёсий ҳамда маданий аҳамиятга эга бўлган. Мен бу алоқаларни ривожлантириш борасида барча имкониятларни ишга соламиз, деб ишонч билдираман".

«Самарқандга янги йўллар очишни истаймиз, — дейди Алқала университети ректори Виргилио Сапатеро. — Бу йўллар сайёҳлик, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишига имкон яратади. Университетимиз раҳбарияти ҳар доим бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб келган».

Амир Темур таваллуди муносабати билан бундай тадбирлар халқаро доирада ҳар йили кўп ўтказилади. Бу буюк бобомизнинг шон-шавкати дунё миқёсида эътироф этилганидан далолатдир.

Демак, буюк Соҳибқирон бундан 600 йил бурун XXI асрда башар аҳли халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлаётган интеграция макони ҳақида бош қотирган ва шу йўлда изчил сиёсат юритган. Ўзбекистоннинг бугунги сиёсати Амир Темур олиб борган олижаноб, эзгу ишларнинг давомидир.

Юртбошимиз қайд этганидек, инсоният янги асрга қадам қўйган ҳозирги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолаверади.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор.
(ЎзА).

ВАТАН ВА МИЛЛАТ ТИМСОЛИ

Пойтахтимизнинг Амир Темур хиёбонида айлана шаклида қурилган ажойиб бир бино бор. Ўрта асрлар ва замонавий меъморчилик анъаналарини ўзида уйғунлаштирган ушбу кошона Темурийлар тарихи давлат музейидир.

Жимжимадор фавворалар бўйлаб мармар зиналардан кўтарилсангиз, учта эшикдан экспозиция залига кириб борасиз. Залнинг марказий қисмидан «Санои нафис» гуруҳи рассомларининг «Буюк Соҳибқирон — буюк бунёдкор» деб номланган деворий тасвирий санъат асарлари жой олган. Асар уч қисмдан иборат: «Туғилиш», «Юксалиш», «Фахрланиш». «Туғилиш» марказида бир неча аёл тасвирланган. Чап томондаги созанда аёл ёнида бешик, ўнг тарафдаги қирмизи либос кийгани эса нафис оқ матога сўзана санъатини нақшлаб, эндигина дунёга келган гўдак бешиги учун ёпинчиқ тайёрламоқда. Терак ниҳоллари халқимизга хос эзгу одат — оилада фарзанд дунёга келганида унга атаб экиладиган умид кўчатларига ишора. Мағрур қиёфали лочин образи туғилган чақалоқнинг келажакда юксак парвозли ва шижоатли бўлишидан дарак беради. Икки самовий сайёранинг ўзаро яқинлашуви ва фалакнинг мўъжизавий тусга кириши ҳамда Ҳумо қуши парвози беғубор ва паҳлавон гўдак чеҳрасига тушган илоҳий нигоҳ рамзидир.

«Фахрланиш» Соҳибқиронданқолган меросинг аждодлардан авлодларга ўтиб келаётгани ҳақидаги ғояни ифодалайди. Дунёга келиб қилган ишларидан кўнгли тўлган оқ либосли нуроний мўйсафид умри давомида тўпланган маънавий бисоти-ю умуминсоний қадриятлар хазинасини ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш авлодга фахр билан топширмоқда. Расмда умрнинг олтин кузини ифодалайдиган ёруғ ва сокин тилла ранглардан унумли фойдаланилган. Пастки қисмда Алишер Навоийнинг қуйидаги байти битилган:

«Бу гулшан ичраки йўқдир
баҳо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса
яхшилик бирла от».

Музей экспозициясининг асосий қисми 3-қаватда жойлашган бўлиб, у давлатимиз раҳбарининг ўзбек халқи тарихида Амир Темурнинг тутган ўрни ҳақидаги сўзлари билан очилади. Бу ерда Темурийлар давридаги ноёб дурдоналар, обидаларнинг расмлари, слайдлари, шиша, металлдан ясалган турли-туман ашёлар, кандакорлик, кулолчилик, зеб-зийнат буюмлари, кийим-кечаклар, олтин ва кумуш тангалардан намуналар қўйилган. Шунингдек, Темур шажараси, қадимий қўлёзмалар, «Темур тузуклари» китоби, араб тарихчиси Аҳмад ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» асарининг турли нашрлари, XVI асрда ишланган ва ҳозирда Париж миллий кутубхонасида сақланаётган Амир Темур расмларидан фотонусхалар, турли ёзувлар, пахтадан тўқилган матолар, сафар сандиғи, офтоба ва шамдонлар тарихий воқеалардан ҳикоя қилади. Буларнинг барчаси Темур ва темурийлар даврида илм-фан, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият, маданият ва ҳунармандчилик юксак даражада тараққий этганидан гувоҳлик беради. Ушбу ривожланишнинг Европадаги Уйғониш даврига кучли таъсир этганлиги ҳаммамизга маълум. Шунинг учун ҳам бугун бутун маърифий инсоният Амир Темурнинг тарихий роли ва хизматини муносиб баҳоламоқда.

Соҳибқирон хотирасини ўз она тупроғи — Ўзбекистонда абадийлаштириш ғояси Юртбошимиз ташаббуси билан амалга ошди. Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган, Темурнинг муқаддас қадамжоларидан бири ҳисобланган Тошкентда қисқа вақт ичида Темурийлар тарихи давлат музейи қуриб, фойдаланишга топширилди (1996 йил, 18 октябрь). Музей экспозициясини экспонатлар билан бойитишда ҳам Йўлбошчимизнинг хизматлари катта. У кишининг қарорлари асосида республикамиз шаҳарларидаги йирик музейлардан Темурийлар тарихига оид ноёб экспонатлар олиб келинди. 1996 йил апрелда Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўргазмали экспонатлар ҳам музей ихтиёрига берилди. Археология, этнография, нумизматика ёдгорликлари, қўлёзмалар ва тасвирий санъат намуналари шулар жумласидандир. Улар куч адолатдалигини эътироф этган давлат арбоби, моҳир саркарда ва сиёсатчи, ислоҳотчи, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, илм-фан ва маданият ҳомийси бўлган бобомиз ҳақидаги тасаввуримизни бойитади.

Ватан озодлиги ва Ватанга муҳаббат Соҳибқирон ҳаётининг асл мазмунига айланиб кетган эди. Ҳамиша эл-юрт ғамини еган, миллат қайғуси билан яшаган ва Мовароуннаҳрни гуллаб-яшнатган ул зот ўзбекнинг шаъншавкати ҳамда ғурур-ифтихоридир. Музейга кирган ҳар бир киши буни дилдан ҳис этади.

— Юртингизга келиш ва Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилишни кўпдан буён орзу қилардим, — дейди «Боғи баланд»дан топилган мармар ҳовузни ҳайрат билан томоша қилиб турган ҳинд аёли Хема Чандр. — Зеро, Ҳиндистонни умуминсоний ғоялар асосида бошқарган шоҳ Бобурнинг бобокалони Амир Темур биз учун беҳад қадрли.

— Истибдод йилларида Темур номини тилга олиш тақиқланган эди, — сухбатимизга қўшилади Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги 35-умумтаълим мактабининг тарих ўқитувчиси Нафиса Мамажонова. — Беш йил давомида бирор марта унинг номини эшитмай университетни тугатиб кетганмиз. Бугун эса Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини кўтарган Соҳибқирон эъзоз ва ардоқда. «Амир Темур йили» деб эълон қилинган 1996 йилнинг 26 апрелида «Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Халқимиз буюк фарзандига бугун юксак эҳтиром кўрсатмоқда.

Бу сўзларни тинглар эканмиз, беихтиёр Юртбошимизнинг мазкур музей очилиш маросимида таъкидлаган қуйидаги эътирофлари ёдимизга келади:

«Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда».

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида синхрон сузиш бўйича қизлар ўртасида мамлакат чемпионати давом этмоқда.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Синхрон сузиш федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 80 нафарга яқин спортчи иштирок этмоқда.

СИНХРОН СУЗУВЧИЛАР БАҲСИ

■ Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда қизларни спортнинг енгил атлетика, теннис, бадиий гимнастика ва сув спорти турларига оммавий жалб этишга алоҳида эътибор берилаётир. Бугун замон талаблари даражасида бунёд этилган сув спорти ҳавзаларида минглаб қизларимиз ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Синхрон сузиш бўйича анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Сув париси" халқаро турнири ҳам қизларимиз ўртасида ушбу спорт турига қизиқишни ошириб, янги-янги юлдузларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Кейинги вақтда Дарья Можаева, Анастасия Рўзметова, Шоҳида Зоҳидова ва бошқа қизларимиз қатор нуфузли турнирларда қатнашиб, совринли ўринларга сазовор бўлишди.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАР БУХОРОДА



Бухорода спортнинг нафис турларидан ҳисобланган бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.

■ Унда 12 та жамоа ғолиблик учун баҳс юритди. Мусобақада пойтахтлик гимнастикачилар энг кўп балл жамғариб, биринчи ўринни қўлга киритди. Бухоро вилояти жамоасига иккинчи, самарқандлик спортчиларга эса учинчи ўрин насиб этди.

Шахсий биринчиликда Алиса Ажемирова, Камила Тўхтаева, Эвелина Калишер ва Лера Давидовалар совриндорлар сафидан жой олишди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Греция Футбол федерацияси мамлакат жамоаларининг фан-клублари фаолиятини номаълум муддатгача тақиқлади.

«Қирол кубоги» кимга насиб этади?

Таиландда бокс бўйича анъанавий «Қирол кубоги» халқаро турнири бошланди.

■ 10 апрелга қадар давом этадиган нуфузли мусобақада Орзубек Шоимов, Баҳодир Султонов, Зокир Ортиқов, Беҳзодбек Юнусов, Элшод Расулов, Шерзод Абдурахмонов, Жасур Матчонов, Рустам Саидов, Баҳодир Мамажонов сингари тажрибали боксчиларимиз иштирок этмоқда.

Ишқибозлар жунбушга келгач...

■ Бундай қарорга келинишига сабаб стадионлардаги учрашувларда жамоалар ишқибозлари ўзаро турли жанжалларни келтириб чиқаришган. Ўтган турдаги даҳанаки жангларнинг оммавийлашуви оқибатида бир ишқибоз ҳалок бўлиб, тўққиз нафари жиддий тан жароҳати олди.

Сўнгги вақтларда фан-клублар фаолиятини жамоалар кенг миқёсда қўллаб-қувватлаб келаётганди.

Маълумотларда келтирилишича, барча футбол жамоалари федерациянинг қарорини қўллаб-қувватлаган.

Жордан рекорди янгиланди

Миллий баскетбол ассоциациясининг «Лос-Анжелес Лейкерс» жамоаси ҳимоячиси Коби Брайант фаолияти давомида 19 минг очко тўплаб, энг сермаҳсул ўйинчи сифатида лига тарихига киритилди.

■ Аввал бу кўрсаткич афсонавий баскетболчи, дея эътироф этиладиган Майкл Жорданга тегишли эди. «Рейтерс»нинг хабар беришича, Брайантнинг рекорди «Денвер Наггетс» жамоасига қарши ўтказилган учрашувда қайд этилди. Ҳимоячи бу ўйинда 39 очко тўплади.

Коби Брайант бу кўрсаткичга 28 ёшида эришди. Жордан эса 19 минг очкони 29 ёшида йиққан эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий Вакиллиги **Кенесбай Юсупбаевич ЮСУПБАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

«Ўзўқувлойиҳа» институти жамоаси институт бош директори Санжар Исламовга укаси **Сурат ИСЛАМХОДЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси ўқув жараёнини назорат қилиш бўлими услубчиси **Арофат Январовна НИГМАНОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 35442 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.00 Топширилди — 23.00 123456